O`zbekiston Respublikasi
МЧЖ
«OSIYO – AUDIT»
Auditorlik Tashkiloti

"OSIYO-AUDIT"

Республика Узбекистан
Аудиторская организация
«OSIYO – AUDIT» в
форме ООО

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"SIRDARYO-VINO" AJ га (адресат) реквизитлари:

120600, Сирдарё вилояти, Сирдарё шахри, Муллаева кўчаси 11а-уй, СТИР-201 290 655, АТБ Ўзсаноатқурилишбанк Сирдарё миртақавий ф-л, х/р2021 0000 9002 0478 1001 МФО 00855, Тел: 367 3770389

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-uy, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyo-audit@mail.ru, 00124-сонли 29.02.2008 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувохнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмайилов Адилбек Матчанович.

Мен "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори "SIRDARYO-VINO" AJ нинг "Бухгалтерия баланси"-1-шакл, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"-2-шакл, "Пул окимлари тўғрисидаги ҳисобот"-4-шакл; "Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот"-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 2016 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 17.04.2017 йилдаги 117-шартнома асосида мажбурий тарзидаги аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

"SIRDARYO-VINO" AJ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "SIRDARYO-VINO" AJ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект "SIRDARYO-VINO" AJ нинг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофик келади.

Директор **А.Исмайилов**

Аудитор **А.Исмайилов**
2017 йил "28" апрел